

САНЪАТГА БАХШИДА ЭТИГАН УМР...

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими:
Хилола Юлдашева.*

Халқ амалий санъати азал-азалдан ривожланган бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз ўрнига эга. Унинг ўзига хос турлари мавжуд бўлиб фаолият юритган ва бугунги кунда фаолият олиб бораётган узтозлар ва шогирдлар талайгина. Авлоддан-авлодга ўзларидаги бор сир-синоатни шогирдларига ўргатиб келишган. Ана шндай узтозларга шогирд бўлиб, бугунги кунда бир қанча шогирдларга узтозлик қилаётган, набираларнинг бобоси Наманганлик ўймакор уста Муйдинов Неъматжон бободир.

Уста Наманган вилоятининг Курашхона кўчасида 1949 йил 15 сентябрида хунармандлар оиласида туғилган. Наманган шаҳридаги 13-мактабда тахсил олиб, оталари Абдуллаев Муйдинбой отадан устачилик сирларини ўрганган. Наққошлик ва ўймакорлик сирларини Кўконлик уста Қодиржон Хайдаров томонидан пухта эгаллаб, 1972 йил ташкил топган Наманган шаҳар Пионер ва ўқувчилар уйини Амалий санъат тўғараги раҳбари лавозимида иш фаолиятини бошлаган.

-“Уста Неъматжон кўплаб қадимий шаҳарларда бўлган, санъатни услуб ўймаларини кўриб, наққошлик санъатидан таъсирланиб фақат Наманганда XVII асрда усталар томонидан Богдодий усулидаги геометрик ўйма нақшларни ёғочга, ганчга ўйиб ишлаган холос. 1976 йилга қадар ҳеч бир уста бу ўйма нақш сирини билмас ва қўллаган эди. Менда Богдодий усулдаги геометрик ўйма нақшни қўллаш иштиёқи туғилди дейди уста Неъматжон бобо”.

Неъматжон Муйдинов шогирдлари билан 1979-1980 йилларда “Темир йўлчилар” оромгоҳининг эшик ва устунлари, 1983 йилда Вилоят кутубхонасига рассомчилик корхонаси орқали миллий ўймакорлик эшиклари, 1986-1987 йилларда Учқўрғон тумани Санаториясига миллий ўймакорлик эшик ва устунлари, 1989-1990 йилларда Учқўрғон тумани Қўғай қишлоғидаги оталар чойхонасига ислимий услубда ясалган эшик ва устунлар, Мустақиллик йилларида 1991-1992 йилларда Боборахим Мащраб боғида гумбаз шаклида қурилган уй музейининг 3 та 2 табақали эшик ва устунлари миллий ўймакорлик усулда, ҳамда “Алишер Навоий” театрининг 6 донга 2 табақали эшикларини ўғиллари Насимжон, Расулжон ва шогирдлари билан биргаликда тайёрлаб беришган. 1998-1999 йилларда Самарқанддаги “Имом Ал- Бухорий” мақбарасига миллий ўймакорлик устунлари тайёрлаб беришди.

Устанинг моҳир кўллари билан яратилган гўзал санъат асарлари республикамизнинг турли гўшаларида инсониятга завқ-шафқ улашиб биноларга кўрк бағишлаб турибди. Устанинг асарларини томоша қилар экансиз беихтиёр томошабин тилидан **“Отанга раҳмат”!!!** деган бу сўзлар отилиб чиқади. Бу устанинг ўз асарига қалб-қўрини, муҳаббатини, юрагидан бир чимдим кўшиб яратганидан далолатдир.

Бунга мисол қилиб биргина Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Санъат кўргазмалари залидан ўрин олган қовокдан тайёрланган вазалар, қутилар, лавх, саккиз қиррали курсилар ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

Бундай санъат асарларни томоша қилган ҳар бир ёш авлод қалбида ватанга муҳаббат, устозлар меҳнатига ҳурмат-эҳтиром уйғонади, санъатга қизиқиши ортади. Бўш вақтини беҳуда ўтказмай, устозларга ҳавас қилиб, турли тўғарақларга қатнай бошлайди. Бу эса санъатнинг тарбиявий аҳамияти эга эканлигидан далолатдир.